





Абул-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний, унинг исмига илова қилинган нисбага кўра, дастлаб Фарғона замида дунёга келиб, шу ерда ўсиб улгайиб, сўнгра маълум ижтимоий-сиёсий муҳит таъқозоси билан Араб халифалигининг пойтахти Бағдод шаҳрига бориб қолган ва илмий фаолиятининг асосий қисми ўша ерда ўтган. Уша кезларда Араб халифалигида кечган сиёсий воқеаларни таҳлил қилиш Аҳмад ал-Фарғоний яшаган давр хусусиятини англаб етиш ва яна шу муҳитнинг буюк аллома фаолиятидаги ўрнини билишга имкон яратди.

Арабларнинг VII-VIII асрлардаги ҳарбий юришлари натижасида Араб халифалиги таркиб топган эди. Бу юришлар, асосан, халифалар Абу Бакр ас-Сиддиқ (632-634), Умар ибн ал-Хаттоб (634-644), Усмон ибн Аффон (644-656) ҳамда умавийлар сулоласи (660-750) ҳукмронликлари чоғида бўлиб ўтди. Халифа Умар ҳукмронлигида Араб халифалиги Арабистон ярим ороли доирасида яхлит давлатга айланди. Бу даврда унинг ҳудуди фарбда Пиреней ярим оролидан шарқда Мовароуннахр тоғларига қадар, демак, Аббосийлар ҳукмронлигида Араб халифалигининг Арабистон ярим оролида сиёсий жиҳатдан барқарорлашуви ва ҳудудий

жиҳатдан кенгайиб шаклланиш даври бўлган. Аббосийлар сулоласи бошқарилиши даврида, ушбу сулола вақили халифа Абу Жаъфар ал-Мансур (754-775) халифалик учун янги пойтахт — Бағдод шаҳрига асос солиди (762 йил). Унгача эса Ма-

Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги

ал-Маъмунга юксак ишонч ва умид билан қараган. Лекин Бағдод тахтини Хорун ар-Рашиднинг қатта ўғли Амин эгаллайди. Халифа ал-Амин

ти йил давомида Араб халифалигини Марв шаҳридан тўриб бошқарган. Умумий ҳисоблаганда ал-Маъмун Марв шаҳрида жами ўн йил яша-

даги илмий гуруҳини ўзи билан бирга Бағдодга олиб ўтди; шу билан бирга, бутун халифалик ҳудудидан илм муҳлислари Бағдодга йиғила бошладилар. Ал-Маъмун даврида Бағдодда илм-фан низомида юксалиб, академия ташкил топди ва у тарихда «Байт ул-Хикма» («Билимлар уйи») ёки «Маъмун академияси» номи билан танилди. Академия фаолиятида сермахсул ижод этган олимлардан бири Аҳмад ал-Фарғоний бўлган.



Олмалик тоғ-металлургия комбинати юқори сифатли маҳсулотлари учун шундай мукофот билан тақдирланган

АХМАД ал-ФАРҒОНИЙНИНГ БАҒДОДГА САФАРИ

дина, Куфа, Дамашқ каби шаҳарлар халифалигининг пойтахти бўлиб келган эди. Бағдод шаҳри то Араб халифалиги мўғуллар томонидан тугатилгунга қадар, яъни 1258 йилгача пойтахт бўлиб қолди, унинг шўхрати ортиб халифалик ҳам ушбу шаҳар номи билан Бағдод халифалиги деб аталган.

Бағдод халифалигининг сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан гуллаб-яшнаган даври VIII-IX асрларга тўғри келади. Ана шу даврда Бағдод халифалиги таркибиде Мовароуннахрнинг ҳам ўзига хос тарихи ва маъноси бўлган; айниқса улканнинг бой захиралари ва обод ҳўжалиги халифалик хазинасига катта даромад келтирарди.

Халифа Хорун ар-Рашид йилларда Мовароуннахр ва Хуросонда сиёсий нотинчлик кучайди ва бу бевосита халифалигининг мавқеига салбий таъсир қила бошлади. Тарихчи Абу Саид Абдулхай Гардизийнинг (XI аср) «Зайн ул-аҳбор» асариде келтирилган маълумотга кўра, Хорун ар-Рашид халифалиги йилларида Хуросонда етти марта янги ҳоким тайинланган. Охири ҳижрий 193 (милодий 809) йили халифа Хорун ар-Рашид ўзи қўшин тортишга мажбур бўлади. Уша кезларда бу улкани Хорун ар-Рашиднинг ўғли ал-Маъмун идора этарди. Бирок, Хорун ар-Рашид Тус шаҳрига етиб борганда, касалга чалиниб вафот этди.

Халифа ал-Маъмун Бағдодга расмий равишда 819 йили кўчиб ўтган. Унгача ол-бу билан қаноатланмай Маъмунни бутунлай йўқ қилиш фикрига тушади. Ақуқалар ўртасида жиддий низоф юзага келади ва Амин Хуросонга ал-Маъмунга қарши лашкар жўнатади. Маъмун ҳам ўз навбатида қўшин шайлаб, унга хиротлик Тохир ибн Хўсайнни бошлиқ этиб тайинлайди. Рай шаҳри яқинида бўлган жангда Тохир ғолиб чиқади ва Бағдод томон юришини давом эттиради. У навбатдаги жангда ҳам тўла ғалабага эришади, Амин ҳам ўлдирилади ва Бағдод халифалиги Маъмун илтиерога ўтади. Бу воқеа милодий 813 йили юз берган эди.

Халифа ал-Маъмун Бағдодга кўчиб ўтган, илм-фани ривожлантиришга янада эътиборни қўчайтирди; Марв-Маъмун табииатан илмга мўйил ҳамда илм аҳлига ҳурмати катта эди. Шу сабабдан, унинг ҳукмронлиги чоғида бутун Мовароуннахр ва Хуросоннинг етук зиялилари Марв шаҳрига тўпланганлар. ал-Маъмун ўз саройида ўзига хос илмий гуруҳ ташкил этган. Гардизийнинг хабар беришича, ал-Маъмун айниқса нужум илмига катта эътибор берган ва девонда мунажжимлар ишлаган экан. Марвага йиғилган олимлар ичиде Аҳмад ал-Фарғоний ҳам бор эди.

Омонулло БҮРИЕВ

1 Кизиқ-да. Она тилимизда Дехли десак тўғри бўладими ёки Делхи? Бизлар-ку, Ҳиндистоннинг бу азиям пойтахтини илгартидан Дехли деб атаётдик. Чунончи, «Бобурнома»да ҳам шундай. Аммо бу шаҳар номи инглизлар сал бошқача қилиб, Delhi (Делхи) тарзида би-тишаркан. Кинофилмлар титрига, китоблар-га, турфа товарқутилларга эътибор қилсан-гиз, яқнаш — Делхи деб ёзилган. Русчада унинг Дели дейилиши эса бизни фақат чал-каштиради, негаки рус тилида «Х» товуши-нинг ўзи йўқ. Арабча лугатларга илова қил-инган жўноналарга мурожаат қилсангиз, таажжубингиз тагин ортади: уларда Дехли деб ёзангиз ҳам, Делхи деб ёзангиз ҳам тўғри бўлаверар экан. Қай бирини тан-лаб олишимиз керак?

2 Ёхуд Шарқий Тур-ларнинг ҳаммаси — битта жойнинг ўзи! Тилимизда бунақа, ҳар ким билганича атаб, шундай эзиб келаятган Тянь-шан — Тиёншон — Тангритоғ, (Корея — Курия), (Германия — Олмония), (Кипр — Кибрис), (Грузия — Гуржистон) сингари ҳар хиллик-лар бир талай. Аммо бу мисоллар каптар — кабутар сингари услубий бўёғига кўра, янги-ча ифодаси, ёхуд асл манбаида қандай та-лаффуз этилишини ҳисобга олиш каби омил-лардан пайдо бўлган.

3 бор: икки-уч йил бўлиб қолди, вақт-ларида айрим шаҳ-ру кентларнинг номи «англинди», маса-лан, ҳе йўқ, бе йўқ, илгартидан таниш Ашхо-бод шаҳрини — Ашгабад, Чимкентни Шимк-ент, Олмаота шаҳрини Алмати деб ёза бош-ладилар. Бу рўйхатни тагин хийла чўза бў-лади: Кушча шаҳри эндиладиги Гўшги, Жам-бул — Жамбил, Қазиларот — Гизиларот ва ҳо-казо бўлган эришди.

4 сақлаб тура олган пайтларда бизда ҳам ана шундай эди. Аммо жонқуяр тилишун алломаларимиз-дан Олим Усмон «Ўзбек тилининг ўз миллий хусусиятлари бор» дегани учунок коммунист мункар-накирларнинг сўроқ-кистоғига тутил-ган замонлардан бошлаб, ўзбек тилининг миллий табииати бузилишига эътибор шун-дан сўнг, талаффуз қилиш нечоғли қийин бўлмасин, Москва шаҳри Москва деб атала-диган, ва демакки, шундай ёзиладиган бўл-ди.

5 Баъзан ҳўжайин кўйган исм шу ка-домлашиб ҳам кетадики, бошқа тўғрроқ номи бермоқчи ёки асл исмини тикла-моқчи бўлсангиз, Ч. Айтматов романидаги манкурт Жўломон туя қориндан тикланган телпаги бошини қанчалик қисиб оғритма-син, уни ечиб ташлаб, овоз бўлишдан шун-чалик хавфсизрагани каби жазавага тушув-хорлар кўп. Чунончи, Тошкентнинг машҳур Олой бозорини, Ўзбекиман деганининг кў-пчилиги «Алайский бозор», Самарқанднинг Даҳбед деган жойини ўзбегу тожик бара-вар «Дарбетикий» деб атайдилар. Шундай экан, додингни кимга айтасан?

6 да, ҳар жабҳада оламга евроцент-ризм нуқтаи на-зарида боқими-з шартми? Рус тилида шаҳару қишлоқларга от қўйиш хийла жўнрок кечади. Айтилик, бир-рон дәрринг бошроғидаги қишлоқ «Ве-рхне...», ўртағидаги «Средне...» эта-ғидеги жой эса «Ниже...» деб атала бера-ди. Бу — уларнинг ўз иши, ўз ўрнида «Ве-рхневолинск» ёки «Нижнекамск» сингари номлар рус тили учун ниҳоятда табиий ва ёқимли. Аммо бир маҳаллар ҳўжайинлиги тутиб, Чирчик суви бўйидаги учта туманин эғизалардек Верхнечирчикский, Средне-чирчикский, Нижнечирчикский деб номла-нганларда бизлар қулқок қокмай, дарров Юқори Чирчик, Урта Чирчик, Қуйи Чирчик дея ўғириб, гўёки ўзбекчалаштириб ҳам олган эдик. Кейинрок буюм камлик қилиб, мазкур жой номлари мафқуравийлашди. (Коммунистик, Галаба...). Сўнг у йиллар ўтиб, ҳалғиги ўшхоовисиз жой номлари тагин тикланди. Холбуки, жойларни бунақа та-рзда қаторлаштириб номлаш тилимиз ху-сусиятларига бегона.

7 Волгоград эса Волго-град тарзида ёзилмайди - ку! Бизлар ҳам Россиядаги мазкур топонимларни аслига мувофиқ қилиб эзиб келамиз. Лекин биз ёқлардаги жой номларига келганда нима учундир пар-ча-пурча қилиб, боз устига алақандай хи-той иероглифларини транскрипция қилган-лари каби орасига чизикча-дефис қўйиб ёзаркинлар — тушуниш маҳол.

8 Рус тилидаги кўпгина товушлар-нинг тил орқа фо-немалари эканлиги туфайли жаҳонда-ги жуда кўп жой номларини аташда талаффузини «юмшатиш» учун «Е» эса И га айлантирилади. Бом-байини-ку, биламиз ва билганимиз унча ҳам тўғри қилиб ёзамиз, бирок Аддис Абаба шаҳрини Аддис-Абеба қабилида, Кўлнини — Кўлнед, Хондурас, Хосшимин, Хиросима деган жойларни Гондурас, Хо-Ши-Мин, Хиро-сима тариқасида ифодалаб ҳам юришимиз-да. Эндиладиги — мустанқил ёндошув замони кел-ган экан, биз бундай номлиларни ифо-далашда русчадан нусха кўтаравермай, ўз-бек тилининг товуш имкониятларини тўлиқ фойдаланишимиз даркор. Чунончи, рус тили-да биргина «Х» товуши йўқлиги туфайли ноғилоқидан, уни ифодалашда асосан «Г» товуши истифода этиладики, бизлар «Hamburg»ни Гамбург эмас, Хамбург тарзи-да ва ҳоказо Холландия (Голландия), Хава-на (Гавана), Хеллада (Эллада), ХонКонг (Гон-конг), Холливуд (Голливуд) сингари оламга машҳур топонимларни билиброк ишлатсак, айни мудабо бўлар эди.

9 да деярли таъмин-ланган. Фақат фи-қайдикдан воз-кечиб, фаол муло-қот бошласа — бўлгани. Сўнгра. Айрим принципларни ҳам тайин-лаб олиш лозим. Чунончи, бир нечагина славан тилларини ҳисобга олганда, дунё халқларининг бошқа ҳеч қайсида юмша-тиш белгиси — «Ъ» йўқ. Бильяс, дунёдаги ўзлаб эларнинг тили юмшоқ товушли тил олди фонемаларига асосланган. Шундоқ экан, жой номларини рус тилидан ўғирганда ана шу юмшатиш белгисини жорий илло-миздан бутунлай олиб ташлаб ёзсакнича тў-ғри қилган бўламиз, деб ўйлаймиз. Масала-н, Орол денгизи русчада Аральское море бў-лади. Уни бизлар Ороль денгизи демагани-миз каби, «гора Альпыни» «Альп» эмас, Алп тоғлари дейишимиз керак, зеро аслида ҳам «Алп»-да. Шу тариқа, Анадырь эмас, Ана-дырь, Бельгия эмас, Белгия, Калькутта эмас, Калкутта, Вьетнам эмас, Вьетнам дейиш тў-ғрроқ, ҳам аслига мосроқ.

10 Шохрисабз, Денау ёки Гиссар де-майсан, унинг ўр-нига ўзбекча қи-либ Шахрисабз, Денов ва Ҳисор дейсан», деб талаб қилиш рус тили хоссаларига зўр-лик қилиш бўлади. Шунинг англари эканми, унда бошқалар кўзига ўзимизнинг «циви-лизацияга эришган»ўғимизни кўрсатишга зўр бериб уриниб, тилимизни бундай, Шим-кент, Гўшги деб юрмай, аввалгидеги Чимк-ент, Кушча десак ва шундай ёзаверсак, Ал-матини, Бу сўз тарихан Нурота, Ав-лиёбота, Кўнқорота сингари тарзда келиб қолганлиги ва азалдан шундай атаб келин-ганини эътиборга олиб, илгаригидеги Ол-маота тарзида битсак, бўлаверарди. Ахир, дунёдаги юзлаб халқлар, улар қаторида биз-лар шаҳрини Шимкент, Алмати деб биттаёт-ган валломатлар ҳам, лоқал, пойтахтимиз номини ўзбекчага мослаб Тошкент деб эзиб, харита чиқараётгани йўқ, бояғи-боя-ғидеги Ташкент деб қўллаб келишапти-ку. Туркман тилидаги жами манбаларда эса пойтахтимиз — Дашкент деб битилади. Аҳ-вол шу экан, ҳўш, нега биз бунчалар лаб-бай-ғўйлик қиламиз?

11 Жой номларини ёзувда ифодалашда чу-кур томир этиб кетган яна бир иллат бор. Ўзбек тилида ҳам, бошқа туркий тилларда ҳам топоним қўйишда сўз тариқасида ясал-ган бўлса, улар бирлаштирилиб, ягона лек-сема сифатида айтилади ва шундай ёзила-ди (Янгикўрган, Уртамач, Қўштўт сингари). Лекин қайси уламо оғамизнинг ташаб-буси билан бўлсайкин, Ўзбекистон ва уму-ман Марказий Осиёдаги жойларнинг ном-лари русча ифодаланса, уни ташкил этган сўзлар бўлақ-бўлақ қилиб ёзилади. Чунон-чи, ўзбекча Корасув рус тилида албатта Кара-су, Каттақўрган эса Катта-қўрган, Ну-рота бўлса Нур-ата, Оқшо деган жой Ак-таш ва шу тариқа Қўзил-тепе, Хаккул-абад, Беш-арық, Тура-қўрган қабилида ёзилади. Яхлит сўз, ягона жой номи қанақа прин-цип асосида бундай иккига бўлинганини ҳеч ким мунодоқ жўяли қилиб тушунириб бераолмайди. Ахир, русларнинг ўзида Ниж-невартовск шаҳри Нижне-вартовск деб,

12 Бу шарт эндилик-ланган. Фақат фи-қайдикдан воз-кечиб, фаол муло-қот бошласа — бўлгани. Сўнгра. Айрим принципларни ҳам тайин-лаб олиш лозим. Чунончи, бир нечагина славан тилларини ҳисобга олганда, дунё халқларининг бошқа ҳеч қайсида юмша-тиш белгиси — «Ъ» йўқ. Бильяс, дунёдаги ўзлаб эларнинг тили юмшоқ товушли тил олди фонемаларига асосланган. Шундоқ экан, жой номларини рус тилидан ўғирганда ана шу юмшатиш белгисини жорий илло-миздан бутунлай олиб ташлаб ёзсакнича тў-ғри қилган бўламиз, деб ўйлаймиз. Масала-н, Орол денгизи русчада Аральское море бў-лади. Уни бизлар Ороль денгизи демагани-миз каби, «гора Альпыни» «Альп» эмас, Алп тоғлари дейишимиз керак, зеро аслида ҳам «Алп»-да. Шу тариқа, Анадырь эмас, Ана-дырь, Бельгия эмас, Белгия, Калькутта эмас, Калкутта, Вьетнам эмас, Вьетнам дейиш тў-ғрроқ, ҳам аслига мосроқ.

13 Шохрисабз, Денау ёки Гиссар де-майсан, унинг ўр-нига ўзбекча қи-либ Шахрисабз, Денов ва Ҳисор дейсан», деб талаб қилиш рус тили хоссаларига зўр-лик қилиш бўлади. Шунинг англари эканми, унда бошқалар кўзига ўзимизнинг «циви-лизацияга эришган»ўғимизни кўрсатишга зўр бериб уриниб, тилимизни бундай, Шим-кент, Гўшги деб юрмай, аввалгидеги Чимк-ент, Кушча десак ва шундай ёзаверсак, Ал-матини, Бу сўз тарихан Нурота, Ав-лиёбота, Кўнқорота сингари тарзда келиб қолганлиги ва азалдан шундай атаб келин-ганини эътиборга олиб, илгаригидеги Ол-маота тарзида битсак, бўлаверарди. Ахир, дунёдаги юзлаб халқлар, улар қаторида биз-лар шаҳрини Шимкент, Алмати деб биттаёт-ган валломатлар ҳам, лоқал, пойтахтимиз номини ўзбекчага мослаб Тошкент деб эзиб, харита чиқараётгани йўқ, бояғи-боя-ғидеги Ташкент деб қўллаб келишапти-ку. Туркман тилидаги жами манбаларда эса пойтахтимиз — Дашкент деб битилади. Аҳ-вол шу экан, ҳўш, нега биз бунчалар лаб-бай-ғўйлик қиламиз?

14 Бинобарин, биз учун қадимдан Ҳинди-стоннинг пойтахти Дехли, азим дарёси Ганг эди ва улар бундан буюн ҳам она тилимиз-да ана шундай тарзда қолаверганлари маъқул. Шу тариқа, модомики, Чимкент сў-зининг ўзгаги ҳам иштон маъносидеги шим-дан эмас, чим сўздан олинган экан, ав-валгидеги, Чимкент дейилгани дуруст. Хулласи қалом, она тилимизда жой ном-ларини тартибга солиб, саранжомлаб оли-шимиз керак. Зеро, бой бир туркий тил соҳиблари сифатида дунё юзига ўзимизни-н қадимий, оҳорли, давлатли ва мустанқил тилимиз билан чиқишимиз мавриди келди. Инсоннинг инс-жинслардан, фаршта-лардан афзаллигини кўрсатиш учун Халло-қи олам унга шундай бир билим туҳфа эт-дики, оқибат, Ҳазрати Одам нарсаларга ном бериб, уларни илк бор талаффуз эта бо-шлади, дейилади ривоятда. Шундан сўнг жа-ми махлуқот Одамга таъзим қилди. Зеро Инсон — ҳур (озод) эди, шунинг учун нар-са ва жойларга ўзи ном берди. Демак, нарсалару жойларнинг номи-ни тўғри аташ ҳам ҳурликдан белги экан. Ҳа-то, унинг энг дастлабки белгиларидан би-ри экан.

